Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2026 ЙИЛ – МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2026 йил 21 ноябрь, № 246 (9417) Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ҚУРИЛИШ ВА ТУРИЗМ: ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР, УЛКАН МАРРАЛАР

Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент вилоятининг Паркент туманида қурилиш материаллари саноати ва туризмни ривожлантириш масалалари юзасидан инвесторлар ҳамда тадбиркорлар билан учрашув ўтказди.





Тадбир Кумушкон маҳалласидаги “Олтин бел” сайёҳлик мажмуасида бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари бир йил аввал ушбу ҳудудда йирик туризм мажмуасини барпо этиш вазифаси қўйилганини қайд этди. Маҳаллий лойиҳачилар, қурувчилар ва ишлаб чиқарувчиларга имконият берилгани натижасида қисқа муддатда 47 гектар майдонда замонавий дам олиш маскани бунёд этилди.

Мажмуа бир вақтнинг ўзида 6 минг нафар инсонга хизмат кўрсатиш имкониятига эга. Бу ерда 600 та иш ўрни яратилиши кўзда тутилган, 300 нафар мутахассис тайёрланган. Қурилиш ва жиҳозлашда маҳсулотларнинг 95 фоизи маҳаллий корхоналардан олингани лойиҳа таннархини 20 фоизга арзонлаштириш имконини берди.

Ушбу тажрибани бошқа ҳудудларда ҳам кенг қўллаш, қурилиш индустрияси ва туризмни бир-бирини тўлдирадиган, ўзаро янги имкониятлар яратадиган соҳаларга айлантириш зарурлиги таъкидланди.

Учрашувда дастлаб қурилиш материаллари саноатида эришилган натижалар ва мавжуд имкониятлар таҳлил қилинди.

Сўнгги ўн йилда соҳага 12 миллиард доллар инвестиция киритилиб, 5 мингдан зиёд замонавий корхоналар ишга туширилди. Жорий йилда ишлаб чиқариш ҳажми 2016 йилдаги 7 триллион сўмдан 65 триллион сўмга, экспорт эса 75 миллион доллардан 1,5 миллиард долларга етиши кутилмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли қурилишлар ва инвестиция лойиҳалари маҳаллий маҳсулотлар учун катта бозор яратмоқда. Қўшни давлатлар ва яқин минтақаларда ҳам бу маҳсулотларга талаб юқори.

Юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, маҳаллий корхоналарнинг ташқи бозорларга чиқишини қўллаб-қувватлаш ва логистика имкониятларини кенгайтириш орқали соҳа экспортини яқин йилларда 5 миллиард долларга етказиш мумкинлиги билдирилди.

Қолаверса, маҳсулотлар сифати, дизайни ва рақобатбардошлигини ошириш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда. Юртимизда 161 турдаги қурилиш материали бўйича ички талабни қоплашга етарли қувватлар яратилган бўлсада, айрим маҳсулотлар импорти йилига 780 миллион долларни ташкил этмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

ПАРКЕНТ – ТОҒЛАР БАҒРИДАГИ ТАРАҚҚИЁТ МАНЗИЛИ

Президент Шавкат Мирзиёев 20 ноябрь куни Тошкент вилоятининг Паркент туманига ташриф буюрди. Сафар давомида давлатимиз раҳбари ҳудуднинг транспорт инфратузилмаси ва туризм салоҳиятини янги босқичга олиб чиқаётган йирик лойиҳалар билан танишди.

Ташриф пойтахт ва тоғли туман ўртасидаги масофани яқин қилган муҳим янгиликдан бошланди — Президентимиз Тошкент шаҳридан Паркент туманига янги йўлга қўйилган замонавий электропоездда келди.

Давлатимиз раҳбарининг 2025 йил 27 январдаги “Ўзбекистон Республикасининг транспорт-логистика тизимини янада ривожлантириш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ пойтахт билан Паркент туманини боғлаш мақсадида янги электрлаштирилган темир йўл линияси қурилди. Жорий йилнинг сентябрь ойидан Тошкент — Паркент йўналишида электропоезд қатнови йўлга қўйилган.

Мазкур темир йўл пойтахт ва Паркент ўртасидаги транспорт алоқаларини мустаҳкамлаш билан бирга аҳолининг ҳаракатланиш имкониятларини кенгайтириш, туманнинг туристик жозибадорлигини ошириш, тадбиркорлик ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Лойиҳа доирасида 535,4 миллиард сўм ҳисобидан 24 километрлик Байтқўрғон — Паркент электрлаштирилган темир йўл линияси қурилди. Битта янги бекат, учта кўприк, автомобиль йўлўтказгичи, 77 та сув ўтказиш иншооти ҳамда 16 та автомобиль ва темир йўл кесишмаси барпо этилди.

Шунингдек, 24 километрлик контакт тармоғи ва электр узатиш линияси қурилди. Лойиҳа натижасида 40 та иш ўрни яратилди.

Тошкент ва Паркент ўртасидаги умумий масофани 57,6 километр бўлган йўналишда олтита вагондан иборат замонавий “ЭП3Д” электропоезди қатнамоқда. Қиймати 124 миллиард сўмлик поезд 586 нафар йўловчига мўлжалланган бўлиб, соатига 120 километргача тезликда ҳаракатлана олади.

Электропоезд Тошкентдан Паркентгача бўлган масофани 1 соат 13 дақиқада босиб ўтади. Йўл ҳақи 10 минг сўм этиб белгиланган бўлиб, ушбу йўналишдаги такси хизмати ўртача нархидан 2,5 баробар арзон.

Янги йўналишда кунига 2 минг нафаргача, йилига эса 300 минг нафар йўловчини ташиш имконияти мавжуд.

Электропоездда йўловчилар учун замонавий шароитлар яратилган. Вагонлар иқлим назорати тизими, қулай ўриндиқлар, USB қувватлаш нуқталари ва бепул Wi-Fi билан жиҳозланган.

Ногиронлиги бўлган шахслар учун махсус кўтаргичлар ва мослаштирилган жойлар, велосипедларни ташиш мосламалари ҳамда электрон ахборот таблолари ўрнатилган. Хавфсизликни таъминлаш мақсадида видеокузатув ва тўқнашув пайтида зарба кучини камайтирувчи тизимлар назарда тутилган.

Сафар чоғида Президентимиз Тошкент вилоятининг иқтисодий салоҳиятидан янада самарали фойдаланиш масалаларига эътибор қаратди. Хусусан, ер ресурсларидан унумли фойдаланиш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, қишлоқ хўжалиги ва маҳсулотларни қайта ишлаш тармоқлари салоҳиятини камида икки баробар ошириш учун катта имкониятлар мавжудлиги таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари Паркентнинг янги вокзал станцияси билан танишар экан, темир йўл инфратузилмасини янада такомиллаштириш, вокзалларда хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, йўловчилар учун қулай шароитларни кенгайтириш, қатновлар самарадорлигини таъминлаш ва темир йўлга туташ ҳудудларни ободонлаштириш бўйича мутасаддиларга тегишли топшириқлар берди.

— Халқимизда “йўл азоби...” деган мақол бор. Паркентга поезд қатновини йўлга қўйишдан мақсадимиз ҳам туманни шаҳарга яқинлаштириш эди. Йўл азоби бўлмаса, одамлар кўп нарсани уддалай олади. Поезд йўлга қўйилгунига қадар Паркентга қатнаш қанчалик оғир эди. Паркентнинг ҳавоси ҳам, одамларининг маънавияти, маърифати, меҳнаткашлиги ва муомаласи ҳам ўзгача, — деди давлатимиз раҳбари.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев Паркент туманининг Кумушкон маҳалласидаги “Silver Valley” оилавий дам олиш мажмуаси билан танишди.

Мамлакатимизда туризмни ривожлантириш, хизматлар экспортини кенгайтириш ва иш ўринлари яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада Тошкент вилоятининг, айниқса, унинг тоғли ҳудудларининг табиий имкониятларидан самарали фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

Давлатимиз раҳбарининг 2026 йил 30 апрелдаги “Ҳудудларда туризм инфратузилмасини жадал ривожлантириш ва соҳада лойиҳа бошқаруви тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида жойларда замонавий туризм мажмуалари барпо этилмоқда.

“Silver Valley” оилавий дам олиш мажмуаси ҳам шундай лойиҳалардан бири. У табиат қўйнида мазмунли ҳордиқ чиқариш учун қулай шароитлар яратиш, ҳудуднинг туристик жозибадорлигини оширишга қаратилган.

Умумий қиймати 148,5 миллиард сўм бўлган мажмуа 29,5 гектар майдонда жойлашган. Лойиҳа доирасида 200 та иш ўрни яратиш кўзда тутилган.

Бу ерда жами 120 ўринли 12 та шале услубидаги уй, замонавий қабул биноси, 300 ўринли ресторан, жами 200 ўринга мўлжалланган 12 та ўтов-ресторан, 100 ўринли терраса-кафе ҳамда 4 та СПА мажмуаси барпо қилинган.

Сайёҳларнинг мазмунли дам олиши учун тафаккур йўлаги, воркаут зоналари, зиплайн ва тюбинг аттракционлари, ёзги кинотеатр ҳамда 10 та аттракциондан иборат кўнгилочар майдон ташкил этилган.

Мажмуа тўлиқ ишга тушгач, кунига 2,7 минг нафаргача меҳмонни қабул қилиш имкониятига эга бўлади.

(Давоми 2-бетда).

Тадбир

ПАРЛАМЕНТЛАРАРО ҲАМКОРЛИК САРИ

Аввал хабар берганимиздек, Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева бошчилигидаги Ўзбекистон парламент делегацияси Туркманистоннинг Аваза шаҳрида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Парламентлараро Ассамблеяси тадбирларида иштирок этмоқда.

Хусусан, МДҲ ПА Кенгашининг йиғилишида парламентлараро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, Ҳамдўстлик доирасидаги кўп томонлама мулоқотни ривожлантириш ҳамда Ассамблеянинг келгуси фаолиятига доир масалалар муҳокама қилинди.

Йиғилишнинг муҳим воқеаларидан бири МДҲ Парламентлараро Ассамблеяси Кенгаши Раисини сайлаш жараёни бўлди. Овоз бериш якунларига кўра, Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерация Кенгаши Раиси Валентина Матвиенко навбатдаги бир йиллик муддатга ПА Кенгаши Раиси этиб сайланди.

Йиғилишда парламентлараро ҳамкорликнинг институционал асосларини кенгайтиришга қаратилган муҳим қарор ҳам қабул қилинди. Хусусан, Туркманистон Межлисига МДҲ Парламентлараро Ассамблеяси ҳузурида кузатувчи мақоми берилди. Шу тариқа у мазкур мақомга эга бўлган биринчи миллий парламентга айланди.

2

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Давлат активларини хусусийлаштириш:

ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР ВА АНИҚ ТАКЛИФЛАР

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Тадбиркорлик, рақобатни ривожлантириш ва саноат масалалари қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда давлат активларини хусусийлаштириш бўйича дастурларнинг ижроси юзасидан ўтказилган назорат-таҳлил тадбири якунлари ҳамда Давлат активларини бошқариш агентлигининг мавзу юзасидан ахбороти эшитилди.

Кейинги йилларда иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартириш, хусусий секторнинг ролини ошириш ҳамда давлат активларидан самарали фойдаланиш бўйича ислоҳотлар изчил амалга оширилмоқда. Хусусан, “Давлат мулкини хусусийлаштириш тўғрисида”ги Қонун билан соҳанинг ҳуқуқий асослари такомиллаштирилиб, давлат активларини электрон савдолар орқали очиқ сотиш тизими йўлга қўйилди. Президентимизнинг 2026 йил 28 августдаги тегишли фармони билан эса хусусийлаштириш жараёнларини янада жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар белгиланди.

Агентлик маълумотларига кўра, 2026 йилнинг 9 ойида республика бўйича хусусийлаштириш дастурларига мувофиқ жами 53,2 трлн. сўмлик давлат активлари ва ер участкалари савдога чиқарилиб, шундан 26 трлн. сўмлиги реализация қилинган.

3

ЗИЁЛИМИСИЗ?

Ёзиш ёки ёзмаслик, айтиш-айтмаслик ўртасидаги ҳақиқатлар

Президентимиз Шавкат Мирзиёев жадидлар даврига, улар қолдирган маънавий меросга жуда кўп мурожаат қилади. Бунинг боиси жадид боболаримиздан ўрнак олиш билан бирга улардан ватанпарварлик сабоғини ўрганишдир.

Нуқтаи назар

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “Тилда, фикрда, ишда бирлик” деган эзгу ғоя билан майдонга чиққан жадид боболаримиз халқларимизни жаҳолат ва қолоқликдан олиб чиқиш, уларни ғафлат ботқоғидан қутқаришнинг асосий йўли — билим ва маърифатда, дунёвий тараққиётни эгаллашда деб билдилар... Ёшларни илғор давлатларга ўқишга юбордилар. Шу билан бирга давлат бошқаруви, суд-ҳуқуқ, молия, солиқ тизимлари, ер масалаларини тадрижий асосда тубдан ислоҳ қилиш учун ғоявий ва амалий ҳаракатлар олиб бордилар. Янада аниқроқ айтганда, улар миллий уйғониш, миллий тараққиёт ғоясини рўёбга чиқариш учун бор куч ва имкониятларини сафарбар этди...

Бундай эзгу ишларни ўз тақдирини Ватан тақдиридан айро тасаввур эта олмайдиган халқпарвар, фидойи, жасур ва мард, бир сўз билан айтганда, чинакам зиёли инсонгина зиммасига олиши ва бажариши мумкин.

Зиёли инсон, зиёли оила, зиёлилар сулоласи, зиё тарқатувчи... Ҳаётда “зиёли” сўзига жуда кўп дуч келамиз. Ўқитувчи, олимларни зиёлилар деб аташга кўникиб қолганмиз. Бироқ фикримча, ўқимишли, билимли, саводли ва ҳатто олим одам ҳам тўлақонли зиёлилик талабига жавоб бера олмайди.

Зиёли — бу жуда улуғ, шарафли, масъулиятли ном, кенг тушунча, залворли юк. Зиёлилик номини кўтариш, унга амал қилиш машаққат.

“Зиёли” сўзи бизнинг давримизга келиб касбга, илмий даражага нисбатан ишлатила бошланди. Зиёлилик масъулиятидан жуда кўп ўринларда кўз юмилди. “Зиёли” сўзининг ижтимоий аҳамияти тобора торайиб борди. Худди “устоз” сўзи сингари. Назаримда бугун “устоз” сўзининг ҳам қадр-қиммати йўқолиб бораётгандек. Бу улуғ сўз, асосан, “муаллим” ва “домла” сўзлари ўрнига ишлатилмоқда. Бир пайтлар “устоз” сўзининг ҳам худди “зиёли” сўзи каби маъно-мазмуни чуқур, таъсир доираси анча кенг эди.

Бугун олий маълумотлилар, фан номзоди, фан докторлари, бундан ҳам юқори даражаларга эришаётганлар жуда кўп бўлса-да, минг афсуски, зиёлидек мўътабар, муқаддас номга, рутбага, мавқега эришганлар жуда кам.

Ҳақиқий зиёли қандай бўлиши керак? У қандай талабларга жавоб бериши лозим? Зиёлининг зиммасида қандай масъулиятлар бор?

3

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2026 йил 21 ноябрь

ҚУРИЛИШ ВА ТУРИЗМ: ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР, УЛКАН МАРРАЛАР

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шу боис ички бозор эҳтиёжларини чуқур ўрганиш, замонавий технологиялар ва халқаро брендларни жалб этиш асосида янги ишлаб чиқариш қувватларини яратиш вазифаси қўйилди. Бу борада Туркиянинг “Betek” компанияси билан Зангиота туманида 30 миллион долларлик лок-бўёқ заводи қурилиши бошланаётгани қайд этилди.

Йирик стратегик лойиҳаларни маҳаллий қурилиш материаллари билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, Жиззах вилоятидаги атом электр станцияси қурилиши учун 2,2 миллиард долларлик қурилиш материаллари талаб этилади.

Шу мақсадда Эгизбулоқ маҳалласида 200 гектар майдонда махсус саноат зонаси ташкил қилиниб, 70 турдаги янги маҳсулот ишлаб чиқариш режалаштирилган. Мутасаддиларга импорт ўрнини босувчи ва йирик лойиҳаларда талаб юқори бўлган маҳсулотларни аниқлаб, умумий қиймати 20 миллиард долларлик лойиҳалар бўйича амалий ишларни бошлаш топширилди.

Янги турдаги юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун имтиёзли молиявий ресурслар ажратиш, корхоналарнинг энергия тежовчи ускуналар хариди билан боғлиқ харажатларини қисман қоплаш чоралари ҳам белгиланди.

Пардозбоп тошлар саноатида хомашёни чуқур қайта ишлаш ва чиқиндилардан самарали фойдаланиш имкониятлари кўриб чиқилди. Янги конларни “ноль чиқинди” тамойили асосида ўзлаштириш, мавжуд конлар атрофида қайта ишлаш корхоналарини ташкил этиш вазифалари қўйилди.

Давлатимиз раҳбари қурилиш таннархини пасайтириш ва бюджет маблағларидан оқилона фойдаланиш масалаларига ҳам тўхталди. Айрим ҳудудларда ўхшаш объектлар қурилиши қиймати сезиларли фарқ қилаётгани, бунга ортиқча воситачилар ва лойиҳа-смета ҳужжатларининг қайта-қайта ўзгартирилиши сабаб бўлаётгани танқид қилинди.

Келаси йилдан бюджет маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган қурилишларда, биринчи навбатда, маҳаллий маҳсулотлардан фойдаланиш талаби жорий этилади. Давлат харидлари порталида маҳаллий ишлаб чиқарувчилар учун махсус савдо майдончаси ташкил қилинади.

Шунингдек, Янги Тошкентда қурилиш ишларини олиб бораётган тадбиркорларга маҳаллий материаллар харидига йўналтириладиган 200 миллион долларлик кредит линияси очилади.

Қурилиш материаллари сифатини назорат қилиш ва аҳолини хавфли маҳсулотлардан ҳимоялаш мақсадида Тошкент шаҳри, Фарғона ва Самарқандда учта замонавий синов лабораторияси ташкил этилади. Лойиҳа институтларини трансформация қилиш, қурилишга илғор технологияларни жорий этиш ва бу жараёнга хусусий инвесторларни жалб этиш вазифалари ҳам белгиланди.

Учрашувнинг кейинги қисми туризмни ривожлантириш, хизматлар сифатини ошириш ва соҳага инвестициялар жалб этиш масалаларига бағишланди.

Жорий йил бошидан мамлакатимизга 11,6 миллион нафар хорижлик сайёҳ ташриф буюрди. Сўнгги икки йилда узоқ хориждан келаётган туристларнинг юртимизда бўлиш муддати ўртача 6,5 кундан 8 кунгача узайди. Тўлов қобилияти юқори сайёҳлар улуши 14 фоиздан 21 фоизга, бир турист сарфлайдиган ўртача маблағ эса 21 фоизга ошди.

Президентимиз туризмда энди асосий эътиборни сайёҳлар сони билан бирга хизматлар сифатига, уларнинг мамлакатимизда узоқроқ қолиши ва кўпроқ харажат қилиши учун шароит яратишга қаратиш зарурлигини таъкидлади.

Бунинг учун соҳада тадбиркорликни рағбатлантириш чоралари кенгайтирилмоқда. Меҳмонхона қурилиши учун имтиёзли молиявий ресурслар ажратилмоқда, ер ва мол-мулк солиғи бўйича енгилликлар 2030 йилгача узайтирилган. Туроператорлар ва туристик транспорт хизматлари учун ҳам қўшимча имтиёзлар жорий этилган.

Яқин вақтда қабул қилиниши режалаштирилган туризмни ривожлантириш стратегияси доирасида хорижлик сайёҳлар сонини 20 миллион нафарга, соҳанинг иқтисодиётдаги улушини 7 фоизга, туризм хизматлари экспортини эса 10 миллиард долларга етказиш мақсад қилинмоқда.

Янги инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун ҳудудларда қўшимча 5 минг гектар ер майдони тайёрланади. Шунингдек, шакллантирилган 11 миллиард долларлик туризм лойиҳалари бўйича бир ой ичида амалий ишларни бошлаш топширилди.

25 — 27 ноябрь кунлари Тошкент шаҳрида ўтказиладиган туризм соҳасидаги биринчи халқаро инвестиция форуми янги лойиҳаларни илгари суриш учун муҳим имконият экани қайд этилди. Унда 25 дан ортиқ давлатлардан 100 дан зиёд йирик инвесторлар иштирок этиши кутилмоқда. Ҳудудлар раҳбарлари олдига форумда аниқ инвестиция келишувларига эришиш вазифаси қўйилди.

Сайёҳлик масканларининг йил давомида фаолият юритишини таъминлаш, савдо ва кўнгилочар хизматларни кўпайтириш, мавжуд инфратузилмадан самарали фойдаланиш зарурлиги таъкидланди.

Ҳудудлардаги конгресс марказлари, меҳмонхоналар ва туризм мажмуаларида йирик халқаро тадбирларни мунтазам ўтказишга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Бундан буён ҳар бир вазир ўз соҳаси бўйича халқаро ташкилотларнинг йилига камида 3-4 та йирик тадбирини мамлакатимизда ўтказишга масъул бўлади. Ҳукуматга бу борада икки йиллик режани тасдиқлаш топширилди.

Туризмнинг янги йўналишларини ривожлантириш доирасида ҳаво шарлари, параплан ва дельтаплан хизматларини йўлга қўйиш имкониятлари муҳокама қилинди. Бу фаолият учун рухсат олиш тартибини енгиллаштириш ва келаси йил ҳар бир ҳудудда камида битта шундай хизмат кўрсатиш масканини ташкил этиш вазифаси белгиланди.

Туристик манзилларга транспорт қатновларини сайёҳлар эҳтиёжига мослаштириш масаласига ҳам эътибор қаратилди. Айрим йўналишларда поездларнинг бориш ва қайтиш вақти туристларнинг ҳудуд билан тўлақонли танишишига имкон бермаётгани қайд этилди. Мутасаддиларга бир ой ичида темир йўл ва ички авиақатновлар жадвалини қайта кўриб чиқиш топширилди.

Халқаро авиақатновлар географиясини кенгайтириш ҳам муҳим вазифа сифатида белгиланди. Ҳозир Ўзбекистондан дунёнинг 102 та шаҳрига тўғридан-тўғри рейслар мавжуд. Хорижий авиакомпанияларни янги йўналишларга жалб этиш, жумладан, “бешинчи ҳаво эркинлиги” имкониятларидан фойдаланиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Шунингдек, сайёҳлар учун қулай тўлов хизматларини йўлга қўйиш, халқаро тўлов тизимлари билан интеграцияни кенгайтириш ва туристик масканларда кўчма савдо нуқталарини кўпайтириш чоралари белгиланди.

Давлатимиз раҳбари туризм соҳасида фидокорона меҳнат қилаётган мутахассисларни рағбатлантириш масаласига ҳам тўхталди. “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган туризм ходими” фахрий унвонини таъсис этиш ташаббуси доирасида соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшган ходимларни Мустақиллик байрами арафасида тақдирлаш таклиф қилинди.

Бир сўз билан айтганда, Паркентдаги очиқ мулоқот мамлакатимизда қурилиш индустрияси ва туризмни шунчаки алоҳида тармоқлар эмас, балки бир-бирини қўллаб-қувватлайдиган ягона иқтисодий экотизимга айлантириш йўлидаги муҳим қадам бўлди. Белгиланган имтиёзлар, йирик инвестиция лойиҳалари ва инфратузилмавий янгиланишлар яқин йилларда Ўзбекистонни нафақат минтақанинг қурилиш материаллари хабига, балки жаҳон туризмининг энг жозибадор марказларидан бирига айлантиришга хизмат қилади.

Учрашув якунида Президент Шавкат Мирзиёев инвестор ва тадбиркорлар билан очиқ мулоқот ўтказиб, уларнинг фикр-мулоҳазалари ва таклифларини тинглади.

Шу билан давлатимиз раҳбарининг Паркент туманига ташрифи якунланди.

ПАРКЕНТ – ТОҒЛАР БАҒРИДАГИ ТАРАҚҚИЁТ МАНЗИЛИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Давлатимиз раҳбари бу ерда яратилган шароитлар ва амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан танишар экан, сайёҳларга маҳаллий маҳсулотлар асосида хизмат кўрсатиш, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ва бундай масканларни бошқа тоғли ҳудудларда ҳам кўпайтириш муҳимлигини таъкидлади.

Президентимиз аҳоли билан суҳбатда турмуш даражаси юксалиши билан одамларнинг мазмунли дам олишга бўлган эҳтиёжи ҳам ортиб бораётганига эътибор қаратди.

— Одамларнинг даромади кўпайиб, ишлари яхшиланган сари улар дам олиш учун қулай жой излайди. Паркентда шундай шароитлар яратсак, бу ерга оилалар фарзандлари билан келиб ҳордиқ чиқаради. Бундай туристик масканларни йил сайин кўпайтириб борсак, нафақат Тошкентдан, балки республикамизнинг барча ҳудудларидан одамлар келади, — деди давлатимиз раҳбари.

Қайд этилганидек, бундай лойиҳалар туризмни ривожлантириш билан бирга, аҳолининг дам олиши учун муносиб шароитлар яратиш, янги иш ўринларини ташкил этиш ва маҳаллий тадбиркорликни кенгайтиришга хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимизда амалга оширилаётган ўзгаришларнинг асосий мақсади инсон манфаатларини таъминлаш, одамларнинг ҳаётдан розилигига эришиш эканини таъкидлади.

— Бугун Паркентга келишимдан мақсад — бу ҳудуднинг имкониятларини янада кенгайтириш, паркентликларни ўзгаришларга ишонтириш. Барча ҳаракатларимиз ҳар бир инсон ўз ҳаётидан рози бўлишига қаратилган, — деди Шавкат Мирзиёев.

Шунингдек, эришилган натижалар билан чекланиб қолмасдан, янги ташаббусларни амалга ошириш, одамларда “қилса бўлар экан” деган ишончни мустаҳкамлаш зарурлиги қайд этилди.

Ташриф буюрувчиларнинг ҳудудда узоқроқ қолишини таъминлаш, улар учун қўшимча хизмат турларини кўпайтириш ва мавжуд инфратузилмадан самарали фойдаланиш бўйича тавсиялар берилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Паркент туманига ташрифи давомида Кумушкон маҳалласидаги “Олтин бел” сайёҳлик мажмуасида яратилган шароитлар ва уни янада ривожлантириш режалари билан танишди.

Сўнгги йилларда Тошкент вилоятининг тоғли ҳудудларида туризм инфратузилмасини ривожлантириш, табиий имкониятлардан самарали фойдаланиш ва замонавий дам олиш масканларини барпо этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Паркент туманидаги “Олтин бел” мажмуаси ҳам ушбу йўналишдаги йирик лойиҳалардан бири бўлиб, 2025 йилда бунёд этилган “Kumushkon Resort” лойиҳасининг давоми ҳисобланади.

Умумий майдони 47 гектар бўлган мажмуага қарийб 700 миллиард сўм инвестиция йўналтирилган. Бу ерда замонавий меҳмонхоналар, шале услубидаги дам олиш уйлари, ресторанлар, спорт ва кўнгилочар иншоотлар барпо этилган.

Хусусан, тўртта беш қаватли меҳмонхона ҳамда алоҳида бассейнларга эга 51 та бир ва икки қаватли дам олиш уйи қурилган. Меҳмонхоналарда турли тоифадаги хоналар, ногиронлиги бўлган шахслар учун қулайликлар, СПА ва бошқа хизмат кўрсатиш ҳудудлари ташкил этилган.

Мажмуада 350 ва 700 ўринли ресторанлар, уч қаватли фудкорт, савдо шохобчалари, очиқ ва ёпиқ спорт иншоотлари, шунингдек, 2,2 минг квадрат метр майдонни эгаллаган аквапарк мавжуд.

Ташриф буюрувчиларнинг мазмунли ҳордиқ чиқариши учун турли кўнгилочар масканлар ҳам ташкил этилган. Жумладан, 14 турдаги аттракцион, 650 метрлик зиплайн, гравитацион картинг трассалари, родельбан, 800 ўринли амфитеатр, сунъий кўл ва ҳайвонот боғи барпо этилган. Шунингдек, 1 минг 100 та автомобиль учун тўхташ жойи ташкил қилинган.

Мажмуанинг муҳим жиҳатларидан бири — туризм соҳаси учун малакали кадрлар тайёрлаш тизими йўлга қўйилгани. Шу мақсадда ташкил этилган ўқув марказида меҳмонхона ва ресторан хизматлари бўйича амалий машғулотлар ўтказилмоқда. Ҳозирда Туризм қўмитаси томонидан Кумушкон маҳалласидаги ишсиз ёшлар ўқитилаётган бўлиб, йил якунига қадар 300 нафар мутахассис тайёрлаш режалаштирилган.

Хизмат кўрсатиш сифатини халқаро даражага олиб чиқиш мақсадида меҳмонхоналарни бошқариш Туркиянинг “Elite World” компаниясига ишониб топширилган. Меҳмонхона бизнесида 46 йиллик тажрибага эга ушбу компанияни жалб этиш орқали бошқарувга замонавий стандартларни жорий қилиш, хизматлар сифатини ошириш ва хорижий сайёҳлар оқимини кўпайтириш кўзда тутилган.

Ҳисоб-китобларга кўра, мажмуа тўлиқ ишга тушгач 600 та янги иш ўрни яратилади. Кунига 6 минг нафаргача ташриф буюрувчига хизмат кўрсатиш имконияти пайдо бўлиб, йиллик даромад 200 миллиард сўмга етиши кутилмоқда.

Паркент туманида туризм соҳасининг ривожланиши мавжуд имкониятлардан янада кенг фойдаланиш учун замин яратмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида туманга 198,2 минг нафар хорижий ва 1,4 миллион нафар маҳаллий сайёҳ ташриф буюрган. Туризм хизматлари экспорти 81,1 миллион долларга етган.

“Олтин бел” каби йирик мажмуаларнинг ташкил этилиши Паркентнинг туристик жозибадорлигини ошириш, сайёҳларнинг ҳудудда узоқроқ қолишини таъминлаш, хизматлар турини кенгайтириш ва маҳаллий аҳоли учун янги даромад манбаларини яратишга хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбари мажмуадаги шароитлар билан танишиб, туризм хизматлари сифатини ошириш, мавжуд инфратузилмадан самарали фойдаланиш ва ҳудуднинг туристик имкониятларини янада кенгайтириш масалаларига эътибор қаратди.

Шу ернинг ўзида Президентга юртимиз корхоналарида ишлаб чиқарилаётган замонавий қурилиш материаллари кўргазмаси ҳам намойиш этилди.

Умуман олганда, давлатимиз раҳбарининг Паркент туманига ташрифи ва бу ерда ишга туширилган йирик лойиҳалар ҳудуд иқтисодиётига янги нафас олиб кирмоқда. Замонавий транспорт алоқаси ва халқаро стандартлардаги сайёҳлик мажмуаларининг уйғунлиги Паркентни нафақат пойтахт аҳолиси, балки хорижий меҳмонлар учун ҳам энг жозибадор манзиллардан бирига айлантириб, пировардида минглаб оилаларнинг фаровонлиги ва ҳаётдан розилигини таъминлашга хизмат қилади.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Абдулазиз РУСТАМОВ,
Марҳабо ҲОЖИАКБАРОВА,
Абдулазиз МУСАЕВ,
ЎзА махсус мухбирлари.

ПАРЛАМЕНТЛАРАРО ҲАМЖИҲАТЛИК САРИ

1

Шунингдек, Ассамблея ташкил этилганининг 35 йиллиги муносабати билан ўтказиладиган тадбирлар дастури ҳамда 2027 йилга мўлжалланган иш режаси тасдиқланди. Келгуси йилда XII Нева халқаро экология конгресси, V Евроосиё хотин-қизлар форуми, терроризм ва экстремизмга қарши курашиш масалаларига бағишланган халқаро конференция ва бошқа қатор нуфузли тадбирларни ўтказиш режалаштирилмоқда.

Болалар ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, ёш авлод ўртасида дўстлик алоқаларини мустаҳкамлаш масалалари ҳам эътибор марказида бўлди. “Ҳамдўстлик болалари” XI халқаро форуми якунлари сарҳисоб қилиниб, навбатдаги форумни 2027 йилда Қозоғистонда ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Бундан ташқари, кеча Туркманистоннинг Аваза шаҳрида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Парламентлараро Ассамблеясининг 61-ялпи мажлиси ҳам бўлиб ўтди ва унда Ўзбекистон парламент делегацияси фаол иштирок этди.

Ялпи мажлисда парламентлараро алоқаларни янада ривожлантириш, миллий қонунчиликни уйғунлаштириш, иқтисодий, ижтимоий ва гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди.

Олий Мажлис Сенати Раиси ўз чиқишида Ассамблея доирасида қабул қилинаётган намунавий қонунлар ва тавсияларни миллий қонунчиликка татбиқ этиш борасида Ўзбекистонда амалга оширилаётган ишларга эътибор қаратди.

Хусусан, хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш, соғлиқни сақлаш тизимини рақамлаштириш, тиббий ҳужжатларни ўзаро тан олиш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш соҳаларидаги ҳамкорликнинг аҳамияти таъкидланди. Ўзбекистоннинг 2027 йилда МДҲга раислик қилиши доирасида парламентлараро алоқаларнинг устувор йўналишлари юзасидан қатор таклиф ва ташаббуслар илгари сурилди.

Қўшма инвестициявий ва технологик лойиҳаларни амалга ошириш учун ҳуқуқий шароитларни такомиллаштириш, ўзаро савдодаги тўсиқларни қисқартириш, терроризм, экстремизм ва кибержиноятчиликка қарши курашишда ҳамкорликни кучайтириш, шунингдек, таълим ва илм-фан соҳаларидаги алоқаларни кенгайтириш шулар жумласидандир.

Қолаверса, 2027 йил МДҲ маконида “Ҳуқуқий маърифат йили” деб эълон қилингани муносабати билан Ассамблея шафелигида парламент аъзолари, ҳуқуқшунослар, педагоглар ва ёшлар иштирокида туркум учрашувлар ташкил этиш ташаббуси билдирилди.

МДҲ ПА тадбирлари доирасида Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерация Кенгаши Раиси Валентина Матвиенко билан учрашди.

Мулоқот давомида Ўзбекистон ва Россия ўртасида парламентлараро ҳамкорликни ривожлантириш ва ҳудудлараро алоқаларни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Суҳбат давомида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерал Кенгаши ўртасида ўзаро ҳамкорлик бўйича комиссиянинг фаолиятига алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, комиссиянинг 2027 йилга мўлжалланган иш режасини ишлаб чиқиш, шунингдек, ҳудудларда амалга оширилаётган қўшма лойиҳаларни парламентлар томонидан қўллаб-қувватлаш масалалари кўриб чиқилди.

Ҳудудлараро ҳамкорликни ривожлантириш масалалари ҳам учрашувнинг муҳим мавзулардан бири бўлди. Қайд этилганидек, Ўзбекистоннинг 14 та ҳудуди Россиянинг 50 дан ортиқ субъектлари билан самарали шериклик қилиб келмоқда. Саноат, энергетика, қишлоқ хўжалиги ва логистика соҳаларида 200 дан зиёд қўшма лойиҳалар амалга ошириляпти.

Учрашувда таълим, маданият ва гуманитар соҳалардаги алоқаларни кенгайтириш масалалари юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Ана шундай муҳим учрашувлардан яна бири Туркманистон Межлиси Раиси Дунёгўзал Гулманова билан бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон ва Туркманистон ўртасидаги парламентлараро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ҳамда уни янги мазмун билан бойитиш масалалари муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, икки мамлакат парламентлари ўртасидаги ўзаро ишонч ва амалий ҳамкорлик ўзбек ва туркман халқлари ўртасидаги азалий дўстлик ва стратегик шериклик муносабатларини янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилмоқда.

Суҳбат чоғида 2027-2028 йилларга мўлжалланган парламентлараро шериклик бўйича “Йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш, парламентлараро ҳамкорлик гуруҳлари фаолиятини жонлантириш, шунингдек, парламент қўмиталарининг ўзаро алоқаларини фаоллаштириш юзасидан таклифлар билдирилди.

Шу билан бирга, Марказий Осиё давлатлари етакчи аёллари мулоқоти доирасидаги ҳамкорлик масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Хусусан, хотин-қизларнинг илм-фан, инновациялар ва тадбиркорлик соҳаларидаги имкониятларини кенгайтириш, аёл олимлар ва тадбиркорлар ўртасида ўзаро тажриба алмашиш ҳамда ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш юзасидан фикр алмашилди.


«Халқ сўзи».

Рақамли сакраш:

Ўзбекистон БМТнинг Электрон ҳукуматни ривожлантириш индексида 32-ўринни эгаллади

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида мамлакатда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш, давлат бошқарувига замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш ва аҳолига кўрсатилаётган давлат хизматлари сифатини яхшилашга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Хушхабар



“Ўзбекистон — 2030” стратегиясида мамлакатни БМТнинг Электрон ҳукуматни ривожлантириш индекси (UN EGDI) бўйича дунёнинг энг илғор 30 та давлати қаторига олиб чиқиш устувор вазифалардан бири этиб белгиланган. Ушбу мақсад доирасида олиб борилган изчил саъй-ҳаракатлар натижасида Ўзбекистон БМТнинг 2026 йилги Электрон ҳукуматни ривожлантириш тадқиқоти (UN E-Government Survey 2026) бўйича 194 та давлат орасида 32-ўринни эгаллади.

Шунингдек, мамлакат илк бор энг юқори кўрсаткичга эга давлатлар қаторига — “Very High EGDI” гуруҳига кирди. Эътиборлиси, Ўзбекистон 2020 йилдагига нисбатан 55 поғонага, 2024 йилдаги ўриндан 31 поғонага юқорилади.

Ҳисоботда Ўзбекистоннинг рақамли трансформация борасидаги тажрибаси, жумладан, сунъий интеллект ва рақамли иқтисодиётни ривожлантиришга қаратилган ташаббуслари ҳам ижобий баҳоланган. Хусусан, Сунъий интеллект ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш марказининг пилот лойиҳалари, давлат ҳамда хусусий секторда сунъий интеллект технологияларини жорий қилиш, илмий ҳамкорлик ва соҳадаги танловлар эътироф этилди.

Ушбу юксак натижа мамлакатимизда электрон ҳукумат тизимини такомиллаштириш, давлат хизматларини рақамлаштириш, замонавий телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш ва давлат бошқаруви самарадорлигини кўтариш борасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг халқаро миқёсдаги эътирофидир.

«Халқ сўзи».

САМАРҚАНДДА ТУРКОЛОГЛАР МУЛОҚОТИ

Самарқанд мезбонлик қилган II Бутунжаҳон туркология қурултойи 1926 йилда Боку шаҳрида ўтказилган биринчи туркология қурултойининг 100 йиллигига бағишланган бўлиб, анжуманда Туркий давлатлар ташкилоти ва унинг ҳузуридаги тузилмалар вакиллари, етакчи турколог, тилшунос ва адабиётшунос олимлар иштирок этди.

Анжуман

Очилиш маросимида Туркий давлатлар ташкилоти бош котиби ўринбосари Нуру Гулиев, Туркий маданият ва мерос фонди раҳбари Актоти Раимқулова, Туркий давлатлар Парламент ассамблеяси (TURKPA) бош котиби ўринбосари Саулекул Сайлауқизи сўзга чиқиб, Бутунжаҳон туркология қурултойи туркий дунёнинг тил, тарих ва маданий меросини биргаликда ўрганиш учун халқаро мулоқот майдони вазифасини ўтаётганини таъкидлади.

— Бундан юз йил олдин бошланган мулоқот бугун Ўзбекистон Президентининг ташаббуси билан тарихий Самарқандда давом этмоқда ва буни айни пайтда туркий дунё янги даврининг муҳим воқеаси деб айтишимиз мумкин, — деди Туркий давлатлар ташкилоти бош котиби ўринбосари Нуру Гулиев. — Бугунги кунда Туркий давлатлар ташкилоти қошида қардош мамлакатлар ўртасидаги алоқаларни ривожлантиришга хизмат қиладиган кўплаб тузилмалар фаолият кўрсатмоқда, доимий анжуман ва мулоқотлар ўтказиб турилади. Энди диликда Бутунжаҳон туркология қурултойи ҳам илмий жамоатчилигимизнинг анъанавий анжуманига айланади.

Бундан юз йил аввал Боку шаҳрида ўтказилган биринчи туркология қурултойида Абдурауф Фитрат, Исмоил Ҳикмат, Фози Олим Юнусов, Фуад Кўprулу, Ашурали Зоҳирий, Али Нозим ва Бекир Чобонзода сингари таниқли олимлар иштирок этган. Улар ва бошқа иштирокчиларнинг маърузасида туркий халқларнинг тили, ёзуви, тарихи, адабиёти ва маданиятини илмий асосда ўрганиш масалалари қайд этилган. Айниқса, лотин ёзувига асосланган алифбога ўтиш масаласи жиддий кўриб чиқилган.

II Бутунжаҳон туркология қурултойининг ялпи мажлисида туркий давлатлар ўртасидаги маданий-гуманитар ҳамкорлик истиқболлари, туркий дунё харитасини амалга оширишнинг долзарб вазифалари, туркий цивилизациянинг жаҳон тамаддунидаги ўрни ҳақида сўз юритилди. Хусусан, туркий давлатлар ўртасидаги маданий-гуманитар алоқаларнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари ҳақида фикрлар билдирилди.

Ялпи мажлисдан сўнг қурултой беш сессияда ўз ишини давом эттирди. Уларда туркий халқлар тили, ёзуви, адабиёти ва фольклори, географияси, маданияти ҳамда санъати, туркий халқларнинг ўтмиши, бугуни ва келажаги, шунингдек, замонавий геосиёсатига бағишланган ўттиздан ортиқ маърузалар тингланди.

Қурултой доирасида Ўзбекистоннинг илмий, маданий ва тарихий меросини намойиш этувчи кўргазмалар ҳам ташкил этилди.

Абдулазиз ЙЎЛДОШЕВ
(«Халқ сўзи»).

Иорданияда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг «Ҳозирги замон ва Янги Ўзбекистон» номли китобининг тақдимоти ўтказилди.

ЗИЁЛИМИСИЗ?

Ёзиш ёки ёзмаслик, айтиш-айтмаслик ўртасидаги ҳақиқатлар

1 Балки биз биринчи навбатда зиёлининг жамиятдаги ўрни ва мавқеини белгилаб олишимиз керакдир.

Унинг бурчи-чи? У қандай бўлиши зарур? Бугун айнан муаммо зиёлининг ўз бурчини тўлиқ ҳис қилмаётганида эмасми?

“Зиёли” деганда, кўз олдимга Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунаввархон Абдурашидхонов, Абдурауф Фитрат, Саидризо Ализода.., тараққийпарвар зиёлилар синфини тарбиялаб етиштирган Исмоилбек Гаспринский келади.

Том маънодаги зиёли бўлиш учун, аввало, ватанпарвар, миллатпарвар, маърифатпарвар бўлиш керак, деб ўйлайман. Бугун биз зиёлиликнинг фақат бошланғич талабини бажаряпмиз. Билим оляпмиз, илм қиляпмиз, таълим беряпмиз. Лекин булар етарли эмас. Биринчидан, жадид аждодларимиздан ўрнак олишимиз керак. Иккинчидан, миллатнинг қалбига етиб боришимиз зарур. Учинчидан, ватанпарварлигимиз ҳам ҳавас қиларли даражада эмас.

Бугун, биринчи навбатда, миллат зиёлисига ислоҳот зарур. Биз ўз-ўзимизни тафтиш этишимиз лозим. Ҳали Беҳбудийлар яшаган замондан жуда узоқлашиб кетганимиз йўқ.

Маҳмудхўжа Беҳбудий раҳнамолигидаги жадид зиёлиларимиз биздан фарқли равишда бутун умри, жони ва молини миллат тараққиёти учун сарфлади. Жадидлар ўз маблағлари ҳисобидан янги усул мактабларини очди. Ўқитувчиларга маош тайинлади, ўзлари дарсликлар ёзиб, чоп эттирди. Дунё ривожидан ортда қолмаслик учун газета ва журналларга асос солди. Театрлар ташкиллаштирди. Саҳна асарлари ёзди. Қисқача айтганда, азиз жонларини миллат ва маърифат йўлида қурбон қилишди.

Миллат ва мамлакат зиёлининг сўзига, даъватига эҳтиёж сезади. Чин зиёли миллатни ўз ортидан эргаштира олади, миллатни жаҳолатдан қутқазади.

Ўзбекистонга бугун зиёлилар, ватанпарварлар, миллатпарварлар керак, маърифатпарварлар ҳар қачонгидан ҳам зарур. Бинобарин, зиёлини қўллаб-қувватловчи, унинг фикр-мулоҳазаларини эшитувчи давлат бор, Президент бор.

Таълимга ҳам, илм-фанга ҳам бугун зиёлилар, фидойилар етишмаяпти.

Мен зиёлиликни ватанпарварликсиз тасаввур қилолмайман. Ватанини, миллатини яхши кўрмаган инсон зиёли бўлолмайди.

Ватанни ким юксалтиради? Мамлакатни ким тараққий эттиради? Аввало, зиёли. Зиёлилар миллатнинг йўл бошловчиларидир. Бир мақсад, бир ғоя атрофида бирлаштирувчилардир. Миллат ва мамлакат манфаатини шахсий манфаатдан устун қўювчилардир.

Зиёлилар мамлакат мустақиллиги, тинчлиги борасида қайғурувчилардир. Алишер Навоий айтганидек, керак бўлса, бу йўлда жон берувчилардир.

Эркин Воҳидов бундан қарийб эллик йил олдин шундай ёзган эди:

Қуллуқ қил демасман. Юрт тупроғин ўп.
Унга қуллар эмас, фидолар керак.
Унинг сену мендек шоирлари кўп,
Буюк элга энди даҳолар керак.

Исмоилбек Гаспринский “Таржимон” газетасининг 1883 йил 15-сонида босилган “Меҳнат ва тараққиёт” номли мақоласида шундай ёзади: “*Мактабни, маорифни янгилаш керак, йўқса унга янги руҳ киритиш лозим. Бунинг учун миллатнинг рағбати, ҳимояти керак, бир сўз билан айтганда, ғоя, ҳаётбахш ғоя керак. Ва у бутун миллатнинг ақлу шуурига, феълу аъмолига ўтмоғи лозим. Шундагина у ҳаётий кучга айланади. Боясизлик, мақсадсизлик миллатни заиф қилади, уйқуга, турғунликка судрайди*”.



Адабиётшунос олим Иброҳим Ҳаққуловнинг “Занжирбанд шер қошида” номли китобида келтирилган мана бу ҳикоят эътиборимни тортди:

“Қадим замонларда бир юртга босқинчилар бостириб келибди. Қирғинбарот урушлардан сўнг юрт забт этилибди. Лекин халқнинг эрксевар фарзандлари босқинчиларга қарши курашларни тўхтатмабди. Шунда сотқинлар босқинчилар подшоҳига шундай дейишибди: “Пойтахтимизда улуғ олим бор, уни бутун мамлакат аҳли ҳурмат қилади, фикрлари қанчадан-қанча одамлар учун қоидадек гап, агар у қўлга олинса, мақсадга тез эришилади”. Олим зудлик билан топтирилибди... Подшоҳ уни осмонларга кўтариб мақтабди, кўп ваъдалар берибди ва унга асосий ниятини билдирибди... “Йўқ, — дебди олим, — мен Ватаним, халқим эркига хиёнат қилмайман...” Бу — Алишер Навоий айтган “Илм ўрганмоқ — эътиқодни мустаҳкамламоқдир” сўзларининг далили ва исботидир.

Мустабид тузумнинг қаттол сиёсати авжига чиққан йилларда ҳам бизда довюрак, қўрқмас зиёлилар етишиб чиққан. Улар, аввало, Ватан ва миллат олдидаги бурчини англашган, ҳис этишган.

> ***“Ватанни ким юксалтиради? Мамлакатни ким тараққий эттиради? Аввало, зиёли. Зиёлилар миллатнинг йўл бошловчиларидир. Бир мақсад, бир ғоя атрофида бирлаштирувчилардир. Миллат ва мамлакат манфаатини шахсий манфаатдан устун қўювчилардир.”***

Адабиётшунос Ҳамид Сулаймонов 1946 йилда Алишер Навоий қўлёзмалари библиографиясини нашр қилдирган. 1959 йилда “Бадое ул-бидоя”, “Наводир ун-ниҳоя” девонлари қўлёзмаларини топиб, улар шоир томонидан тузилганини исботлаган. “Хазойин ул-маоний” танқидий матнини тузган. Франциядан “Девони Фоний” қўлёзмаларини топиб, олиб келган. 1965 йилда фотонусха асосида чоп қилдирган. Ҳиндистондан Ҳофиз Хоразмийнинг 2 жилдли “Девон”и фотонусхасини 1975 йилда Тошкентга олиб келиб, сўз боши ёзиб фанга маълум этган.

Академик Иброҳим Мўминов 1968 йилда “Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли” асарини яратди. Унинг Амир Темур шахсини илмий ўрганиш ташаббуси билан чиқиши илмий жасорат ва юксак ватанпарварлик фазилатининг ёрқин ифодасидир.

Академик Яҳё Ғуломов Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Фарғона, Хоразм ва бошқа ҳудудларга бўлган муҳим экспедицияларга раҳбарлик қилган. Хоразмнинг суғорилиш, деҳқончилик ва шаҳар маданиятининг шаклланиши ҳамда ривожланиш тарихи бўйича илмий ишлар олиб борган. Яҳё Ғуломов Ўзбекистонда тарих ва археология соҳалари бўйича илмий мактаб яратган. Биринчи ўзбек археологларини тайёрлаган. “Хива шаҳрининг ёдгорликлари”, “Қуйи Зарафшон водийсида ибтидоий маданият ва суғорма деҳқончиликнинг пайдо бўлиши” каби асарлар ёзган. 4-жилдли “Ўзбекистон тарихи”, 2-жилдли “Самарқанд тарихи”, “Бухоро тарихи” каби асарларнинг муаллифидир.

Ҳамид Сулаймонов, Иброҳим Мўминов, Яҳё Ғуломов... чин маънодаги зиёлилар эди. Улар ўлимидан сўнг “Буюк хизматлари учун” ордени билан тақдирланди. Азиз бошини кундага қўйишдан қўрқмаган юрт қаҳрамонларини Ватан ва миллат улуғлади, унутмади. Уларнинг маънавий жасорати туфайли халқимизнинг маънавий мероси ўзига қайтарилди. Тарихий адолат тикланди. Зиёлилар даъвати билан мустабид тузум пайтида ҳам миллий қадрият ва анъаналар, буюк тарих сақлаб қолинди.

Олим ҳақиқий зиёли бўлиши учун ўз илмини миллатга бериши, ўзи мансуб бўлган соҳа бўйича камида илмий мактаб яратиши, жаҳон илм-фани ютуқларини ўзлаштириши, ўзимизга олиб келиши, бу йўлда фидойилик кўрсатиши зарур.

Зиёлига биринчи қўйиладиган талаб — ҳалоллик, холислик, фидойиликдир.

Президентимиз хорижга борганда олимлар, шифокорлар, турли соҳа вакиллари, ёшлар билан учрашади. Уларни Ватанга чорлайди. Биргаликда юртни юксалтиришга чақиради. Улар қалбида бир пайтлар сўнган Ватанга муҳаббатни уйғотади. Бу самимий мулоқотлар натижасида жуда кўплаб юртдошларимиз мамлакатимизга қайтиб, тараққиётга ўз ҳиссаларини қўшмоқда.

АҚШнинг Далласдаги Техас университети профессори Анвар Зоҳидов шундай ёзади: *“2023 йилда менга Президент Шавкат Мирзиёев “Ўзбекистон Республикаси фан арбоби” фахрий унвонини берди. Бу мукофот жуда кўп ҳақиқатларни англатди. Аввало, Ватаним учун керак эканман. Гарчи ундан узоқда яшаган бўлсам ҳам, Ватаним мени унутмади. Нафақат унутмади, балки топди. Қайтадан кашф этди. Юрагимдаги соғинч чўғини оловга айлантирди. Буни Янги Ўзбекистон меъмори Президент Шавкат Мирзиёев амалга оширди. Четга чиқиб кетган инсонни қутлаган юртимдан, Юртбошидан қарздорман. Аллоҳдан сўрайман, менга яна ҳеч бўлмаганда 30 йил умр берсин. Билимимни халқим бахтсаодати, юксалиши йўлида сарфлайман. Бир сўз билан айтганда, Ватан олдидаги бурчимни Президент Шавкат Мирзиёев англатди”.*

Анвар Зоҳидов бугун Самарқанд давлат университетидаги Марказий Осиёда ягона бўлган Квант марказига илмий раҳбарлик қилмоқда. Ўзбекистон учун квант соҳаси мутахассислари етиштириб бериш, квант мактабини яратиш борасида жонбозлик кўрсатмоқда. Ҳақиқий зиёли бўлиш учун балки Ватанда яшаш ҳам шарт эмасдир.

Асли Самарқанддан бўлган жаҳонга машҳур вирусолог олим, АҚШнинг Калифорния университети профессори, молекуляр вирусология лабораторияси директори Шароф Тугизов бугун Самарқанд давлат университетида очилган лабораторияга раҳбарлик қилиб, замонавий мутахассислар тайёрлаш ишига муносиб ҳисса қўшмоқда.

Зиёли бўлиш қийин, жуда катта машаққат. Бунинг учун инсон бутун умрини бағишлаши зарур. Афсуски, бунга ҳамма ҳам жазм қилавермайди. Бу Ватанга садоқатни талаб этади. Бу — миллатни севиш йўлидир.

Бу менинг мутлақо шахсий фикрларим. Мулоҳазаларим билан ҳамкасбларимни зиёли бўлишга, миллатпарвар, маърифатпарвар, ватанпарвар бўлишга ундамоқчиман.

Рустам ХОЛМУРОДОВ,
Самарқанд давлат университети ректори,
Ўзбекистон Республикаси фан арбоби,
Олий Мажлис Сенати аъзоси.

Давлат активларини хусусийлаштириш:

ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР ВА АНИҚ ТАКЛИФЛАР

1 Мазкур жараёнлар устидан ўтказилган ўрганишларда депутатлар хусусийлаштирилган объектларда бўлиб, харидорлар зиммасидаги инвестиция ва ижтимоий мажбуриятларнинг бажарилиши, шунингдек, объектларни хусусийлаштиришга оид ҳолатлар билан танишди.

Ўрганишлар давомида депутатлар соҳада эришилган натижалар билан бир қаторда ечимини кутаётган масалаларга ҳам эътибор қаратди. Жумладан, айрим давлат активлари узоқ муддатдан бери харидор топмасдан қолмоқда. Бундай объектлар бўйича сабабларни чуқур таҳлилга тортиш, бошланғич нархлар асослилигини қайта кўриб чиқиш ва реализация қилишнинг муқобил механизмларини қўллаш зарурлиги таъкидланди.

Депутатлар жараёнларнинг очиқлиги ва шаффофлигини янада кучайтириш масаласига алоҳида тўхталиб, хусусийлаштирилаётган объектлар, уларнинг талабгорлари ҳамда харидорлар зиммасига олган инвестиция ва ижтимоий мажбуриятлар тўғрисидаги маълумотларни жамоатчиликка мунтазам равишда очиқлаб бориш лозимлигини қайд этди.

Гўзал САМИЕВА,
қўмита аъзоси:

— Муҳокама чоғида сотилмай қолаётган давлат объектлари масаласига ҳам эътибор қаратдик. Хусусан, бундай объектларнинг сотилмай қолиш сабабларини очиқ эълон қилиб бориш,



бу орқали тадбиркорлар ва инвесторларни мавжуд имкониятлардан кенг хабардор қилишни таклиф этдик. Шунингдек, хусусийлаштирилган объектлардан мақсадли фойдаланиш ва инвестиция мажбуриятларининг бажарилиши устидан мониторингни кучайтириш, қоидабузарлик ҳолатларида тегишли чораларни ўз вақтида қўллаш зарурлиги таъкидланди.

Йиғилишда давлат активларини бошқариш ва хусусийлаштириш билан боғлиқ айрим муаммолар тадбиркорларнинг ўринли мурожаатларига сабаб бўлаётгани айтилди. Хусусан, аукционда сотиб олинган мулкни расмийлаштириш ва давлат ордерини бериш борасидаги кечикишлар, сотилмай қолаётган объектлар бўйича тарғибот-маркетинг ишларининг етарли эмаслиги каби ҳолатлар учрамоқда. Ушбу масалаларга эътиборни кучайтириш ва тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича тизимли чоралар кўриш зарурлиги қайд этилди.

Депутатлар томонидан Давлат активларини бошқариш агентлигига хусусийлаштириш дастурлари ижросини таъминлаш, савдолар самарадорлиги ва шаффофлигини ошириш юзасидан қатор таклиф ва тавсиялар берилди.

Якунда қўмитанинг тегишли қарори қабул қилиниб, аниқланган масалалар ечими назоратга олинди.

Ўрганиш

ЧИҚИНДИ МУАММОСИ ДЕПУТАТЛАР ЭЪТИБОРИДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг бир гуруҳ депутатлари “Чиқиндилар тўғрисида”ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида соҳадаги мавжуд амалиёт ҳамда долзарб муаммоларни таҳлил этиш мақсадида Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳридаги чиқиндиларни бошқариш тизими муассасаларида бўлиб, ўрганиш олиб борди.

Депутатлар дастлаб “Ангрен Бунёд Файз” хусусий корхонасининг Олмалиқ шаҳар филиалида маиший чиқиндиларни йиғиш, олиб кетиш, саралаш ва қайта ишлаш борасида амалга оширилаётган ишлар билан танишди. Корхонада фаолият юритаётган 179 нафар ходим Олмалиқ ва Нурафшон шаҳарлари ҳамда Оҳангарон ва Ўрта Чирчиқ туманларидаги 316 минг нафар жисмоний ҳамда юридик шахсларга санитар тозалаш хизматларини кўрсатиб келмоқда.

Депутатлар ўрганишлар билан бир қаторда Президентимиз ташаббуси билан амалга оширилаётган “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси ижросига ҳисса қўшиш мақсадида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларида ҳам фаол иштирок этиб, корхонага қарашли бўш майдонга дарахт кўчатларини экишди.

Шундан сўнг ишчи гуруҳ аъзолари ҳудуддаги чиқиндиларни бошқариш инфратузилмасини кенгайтириш борасидаги йирик лойиҳаларни ҳам кўздан кечирди. Хусусан, Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ туманидаги “Боёвул” МФЙ ҳудудида ташкил этилаётган Чиқиндиларни қайта юклаш станциясига ҳудудлардан жами 63 та махсус техника орқали бир кунда 1 323 куб метр қаттиқ маиший чиқинди олиб келиниши режалаштирилгани аниқланди. Ўзаро мулоқотларда чиқиндиларни йиғиш, ташиш ва қайта ишлаш жараёнларидаги мавжуд ҳолат, инфратузилма имкониятлари ҳамда тизимда ечимини кутаётган масалаларга эътибор қаратилди.

Депутатлар чиқиндиларни қайта ишлаш орқали иқтисодий самарага эришиш имкониятларини ҳам эътироф этди. Жумладан, Оҳангарон туманида “China CAMC Engineering Co., Ltd” компанияси билан ҳамкорликда амалга оширилаётган йирик инвестиция лойиҳаси билан танишилди. Умумий қиймати 240 млн. долларни ташкил этувчи мазкур завод кунига 2,5 минг тонна қаттиқ маиший чиқиндини термик усулда қайта ишлаш ва йилига 390 млн. киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади.

— Бугунги кунда чиқиндиларни бошқаришга санитар тозалаш эмас, балки муҳим иқтисодий ва экологик ресурс сифатида қараш вақти келди, — деди Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси аъзоси Гулчеҳра Жўраева. — Ўрганишлар шуни кўрсатмоқдаки, биз чиқиндини шунчаки йиғиб, олиб чиқиб кетиш билан чекланиб қолмаслигимиз керак. Асосий эътиборни уни жойида саралаш, чуқур қайта ишлаш орқали иқтисодий айланмага киритиш ҳамда замонавий технологиялар асосида муқобил энергия манбаига айлантиришга қаратишимиз лозим. Қолаверса, мазкур ўрганишлар “Чиқиндилар тўғрисида”ги қонун лойиҳасини маромига етказишда муҳим амалий асос бўлиб хизмат қилади.

Халқ вакиллари, шунингдек, Тошкент шаҳрида тиббиёт чиқиндиларини термик усулда қайта ишлаш лойиҳаси ҳамда пластик, шиша ва алюминий ичимлик идишларини қабул қилишга мўлжалланган фандоматлар фаолияти билан ҳам танишди. Фандоматлар орқали аҳоли саралаган идишларни топшириб, ҳар бири учун 150 сўм миқдорида рағбат олиши мумкин. Бу эса чиқиндиларни саралаш маданиятини шакллантириш ва қайта ишлашга жалб этишнинг амалий механизмларидан бири эканлиги айтилди.

«Халқ сўзи».

ИҚЛИМ ЎЗГАРИШЛАРИ ЧЕГАРА БИЛМАЙДИ: ҲАМКОРЛИК – ЯГОНА ЕЧИМ

Марказий Осиё — иқлим ўзгаришларининг салбий оқибатларини энг ўткир ҳис қилаётган минтақалардан бири. Ҳароратнинг кўтарилиши, қурғоқчилик, сув танқислиги, музликларнинг қисқариши ва ерлар деградацияси нафақат табиий муҳитга, балки аҳоли турмуши, қишлоқ хўжалиги, иқтисодий барқарорлик ҳамда мамлакатларнинг узоқ муддатли тараққиёт режаларига ҳам жиддий таъсир кўрсатмоқда. Бундай шароитда иқлим ўзгаришига мослашиш, экологик хавф-хатарларни камайтириш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш масалалари минтақавий ҳамда халқаро ҳамкорликнинг устувор йўналишига айланмоқда.

Мушоҳада

Ана шу нуқтаи назардан, Туркиянинг Анталия шаҳрида 11 ноябрь куни БМТнинг Иқлим ўзгариши тўғрисидаги Ҳадли конвенцияси томонлари конференциясининг 31-сессияси — “COP31” доирасида ўтказилган Жаҳон етакчилари саммитида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг иштироки алоҳида аҳамият касб этди. Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган ташаббуслар Ўзбекистоннинг глобал иқлим кун тартибидаги фаол позициясини, минтақавий экологик муаммоларни биргаликда ҳал этишга қаратилган интилишини яна бир бор намоён қилди.

Келажак авлод олдидаги масъулият

Ўзбекистонда иқлим ўзгариши ва экологик муаммоларнинг салбий оқибатларини камайтириш, иқтисодиётнинг иқлимга чидамлилигини ошириш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 2023 — 2030 йилларга мўлжалланган табиий офатлар хавфини камайтириш ва иқлим ўзгаришига чидамлиликни ошириш бўйича миллий ҳаракатлар режаси, 2019 — 2030 йилларда “яшил” иқтисодиётга ўтиш стратегиясининг қабул қилиниши бу йўналишдаги муҳим қадамлардан бўлди.

Шунингдек, минтақанинг экологик муаммоларини чуқур ўрганиш, уларга илмий асосланган ечимлар таклиф эта оладиган мутахассисларни тайёрлаш мақсадида “Green University” ташкил этилди. Марказий Осиёда иқлим ўзгаришига мослашиш бўйича минтақавий стратегиянинг амалга оширилиши ҳам бу борадаги саъй-ҳаракатларнинг муҳим таркибий қисмидир.



Ўзбекистон глобал иқлим кун тартиби доирасида зиммасига олган мажбуриятларни изчил бажариб келмоқда. Хусусан, 2035 йилга қадар ялпи ички маҳсулот бирлигига тўғри келадиган газ чиқиндиларини 2010 йилдаги кўрсаткичга нисбатан 50 фоизга қисқартириш мақсад қилинган. Қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш, қуёш ва шамол электр станцияларини барпо этиш, электромобиллар ҳамда “яшил” водород ишлаб чиқариш кластерларини ташкил қилиш шу йўлдаги муҳим одимлардир. “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида мамлакат бўйлаб кўкаламзор ҳудудларни кенгайтириш ишлари ҳам экологик мувозанатни тиклашга хизмат қилмоқда.

Хавф-хатарларга қарши муштарак стратегия

Президентимиз “COP31” доирасидаги Жаҳон етакчилари саммитида сўзлар экан, Ўзбекистонда бу борада бошланган ишлар изчил давом эттирилишини таъкидлади. Айни пайтда иқлим ўзгариши билан боғлиқ муаммоларни бирор давлат якка ҳолда ҳал эта олмаслигига эътибор қаратди.

— Марказий Осиёда музликларнинг эриши, сув танқислиги, қурғоқчилик каби хатарларнинг кўлами ортмоқда. Умумий таҳдидлар минтақа давлатларидан муштарак ҳаракатларни талаб қилади, — деди давлатимиз раҳбари.

Дарҳақиқат, минтақамиздаги экологик муаммоларнинг табиати ва кўлами уларга алоҳида-алоҳида ёндашиш самара бермаслигини кўрсатмоқда. Сув ресурсларидан фойдаланиш, иқлим хавф-хатарларини олдиндан баҳолаш, табиий офатларнинг олдини олиш ва экологик тикланиш масалаларида давлатлар ўртасидаги мувофиқлашган ҳаракатлар ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Шу нуқтаи назардан, давлатимиз раҳбари Марказий Осиёнинг Иқлим интеграцияси моделини ривожлантириш ташаббусини илгари сурди. Ушбу ҳамкорликни учта асосий йўналишда йўлга қўйиш таклиф этилди.

Биринчи йўналиш — ахборот алмашинуви. Жаҳон метеорология ташкилоти кўмагида иқлим хавф-хатарлари тўғрисидаги маълумотлар алмашинуви инфратузилмасини яратиш таклиф қилинди. Бу, аввало, табиий офатларни олдиндан прогнозлаш, хавфли жараёнларни ўз вақтида аниқлаш ва уларнинг оқибатларини камайтириш имконини кенгайтиради.

Иккинчи йўналиш — технологиялар ва инновациялар. Бу борада “Eco Expo” кўргазмасини минтақа эҳтиёжларига мос замонавий экологик ечимларни тақдим этадиган, инвестиция ва технологиялар жалб этишга хизмат қилувчи доимий майдонга айлантиришга тайёрлик билдирилди.

Учинчи йўналиш — молиялаштириш. Иқлим лойиҳаларини амалга оширишда молиявий ресурслардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида тараққиёт банклари ва мақсадли жамғармалар билан ҳамкорликда янги молиявий воситаларни ишлаб чиқиш таклиф этилди. Хусусан, имтиёзли грантлар, “мовий” ва “арид” молиялаштириш механизмларини жорий этиш орқали маҳаллий шароит ва эҳтиёжларга мос барқарор молиялаштириш тизимини шакллантириш кўзда тутилмоқда.

Халқаро алоқаларнинг амалий натижалари

Албатта, глобал иқлим муаммоларига қарши курашишда сиёсий ташаббуслар билан бир қаторда уларни амалга оширишга хизмат қиладиган амалий ҳамкорлик механизмлари ҳам муҳим. Шу боис “COP31” доирасида Президентимиз қатор давлатлар раҳбарлари ва халқаро ташкилотлар вакиллари билан учрашувлар ўтказиб, экологик барқарорлик, чўлланишга қарши курашиш, “яшил” иқтисодиёт ва иқлим молияси масалаларини муҳокама қилди. Жумладан, БМТ Бош котибининг ўринбосари, БМТнинг Чўлланишга қарши курашиш конвенцияси ижрочи котиби Ясмин Фуад билан учрашувда чўлланишга қарши курашиш, деградацияга учраган ерларни тиклаш ва иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш соҳаларидаги ҳамкорликни кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Сўнгги беш йилда ушбу йўналишда 15 та қўшма лойиҳа амалга оширилгани мамнуният билан қайд этилди. Суҳбатда, айниқса, Оролбўйи ҳудудида экологик мувозанатни тиклаш, ўрмонзорлар майдонини кенгайтириш ва қурғоқчил экотизимлар барқарорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, углерод ютилишини ҳисобга олиш механизмларини такомиллаштириш, карбон молияси маблағларини жалб қилиш имкониятларидан самарали фойдаланиш муҳимлиги таъкидланди. Учрашув якунида чўлланишга қарши курашиш ва экологик барқарорликни таъминлаш соҳаларида шерикликни мустаҳкамлаш, қўшма ташаббусларни илгари суриш бўйича келишувга эришилди.

БМТ Тараққиёт дастури Администратори Александр Де Кроо билан учрашувда эса барқарор ривожланиш ва иқлим ўзгариши оқибатларини бартараф этиш соҳаларида кўп қиррали ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди. Хусусан, БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистон учун 2030 йилгача бўлган даврга мўлжалланган янги дастурини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Учрашувда шериклик муносабатлари изчил ривожланаётгани мамнуният билан қайд этилди. Томонлар “яшил” трансформацияни жадаллаштириш, иқлим молияси маблағларини жалб қилиш, Оролбўйи бўйича қўшма дастурларни амалга ошириш, шунингдек, иқлим ўзгариши оқибатида юзага келадиган йўқотиш ва зарарни баҳолаш механизмларини такомиллаштириш йўналишларида ҳамкорликни фаоллаштиришга тайёр эканликларини билдирди.

Бугунги ташаббуслар — эртанги барқарорлик асоси

Президентимизнинг “COP31” доирасидаги иштироки ва илгари сурган ташаббуслари Ўзбекистоннинг иқлим ўзгаришига қарши курашиш борасидаги саъй-ҳаракатлари миллий манфаатлар доирасидан чиқиб, минтақавий ва глобал аҳамият касб этаётганини кўрсатди.

Эътиборли жиҳати шундаки, таклиф этилган Иқлим интеграцияси модели ахборот алмашинуви, технологик ҳамкорлик ва молиявий кўмак каби аниқ механизмларга таянади. Бу эса минтақадаги экологик тахдидларга нисбатан мувофиқлашган ва узоқ муддатли ёндашувни шакллантириш учун муҳим асос бўла олади.

Зеро, иқлим ўзгаришига қарши курашиш — бу фақат табиатни муҳофаза қилиш масаласи эмас. У сув ва озиқ-овқат хавфсизлиги, аҳоли саломатлиги, иқтисодий барқарорлик, янги иш ўринлари ва келажак авлодлар фаровонлиги билан бевосита боғлиқ. Шу боис бугун илгари сурилаётган ҳар бир ташаббуснинг қадри унинг эртага инсонлар ҳаётида қандай ижобий ўзгаришларга сабаб бўлиши билан ўлчанади.

Энг муҳими, Ўзбекистон иқлим ўзгариши билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишда ўз ташаббуслари, амалий тажрибаси ва минтақавий ҳамкорликка қаратилган таклифлари билан умумий ечимлар топишга ҳисса қўшаётган фаол иштирокчи сифатида намоён бўлмоқда. Бу эса экологик хавфсизликни таъминлаш, табиий ресурсларни асраш ва барқарор тараққиётга эришиш йўлидаги саъй-ҳаракатларимизнинг стратегик аҳамиятини янада оширади.

Тоҳир АКРАМОВ,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети профессори.

23-24 ноябрь кунлари Аммон шаҳрида Ўзбекистон — Иордания бизнес форуми ва қўшма кўргазма бўлиб ўтади.

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2026 йил 21 ноябрь

Ислоҳотлар — менинг тақдиримда

ҒАМХЎРЛИК КАТТА ИШОНЧ ВА ҒАЙРАТ БЕРДИ

Оддий бир қишлоқ аёли сифатида юртимизда бўлаётган ўзгаришларни ўз ҳаётим мисолида юракдан ҳис қилиб яшамоқдаман. Президентимиз томонидан олиб борилаётган ислоҳотлар, айниқса, оддий одамлар, кам таъминланган оилалар ва ёрдамга муҳтож хотин-қизларга кўрсатилаётган эътибор бизнинг ҳаётимизда ҳам катта ўзгаришларга сабаб бўляпти.

Бугунги кунда ёлғиз фарзанд тарбиялаётган оналар, кам таъминланган оилалар ҳам давлатимиз эътиборидан четда эмас. Уларга моддий ёрдам кўрсатиш, иш билан таъминлаш, касб-ҳунар ўргатиш, томорқадан унумли фойдаланиш учун шароит яратиб бериш борасида ҳам кўп ишлар қилинмоқда. Қолаверса, илгари рўзғорини тебратишга қийналган, фарзандларининг эҳтиёжини қондиришда анча синовларга дуч келган аёллар бугун ўз томорқасида сабзавот етиштириб, чорва боқиб ёки кичик бир тадбиркорлик билан шуғулланиб, оиласига даромад киритяпти. Айниқса, ёлғиз оналар учун бундай имкониятлар жуда катта ёрдам бўлмоқда. Улар ўз меҳнати билан рўзғорини бутлаб, фарзандларини эл қаторида камолга етказишга ҳаракат қилишаётир.

Назаримда, энг катта ғамхўрлик — одамга ўз меҳнати билан пул топиши, оиласини боқиши учун шароит яратиб бериш. Бугун юртимизда шундай имкониятлар кўпайиб бораётгани қувонарлидир. Бундай мисоллар мамлакатимизда инсон қадрини улуғлаш, ҳар бир фуқаронинг дарди ва муаммосига эътибор қаратиш, айниқса, хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга қаратилган ислоҳотлар нечоғли муҳим аҳамият касб этаётганини кўрсатади.

Бундан 5-6 йил аввал оиламиз молиявий томондан қийин ҳолатга тушиб қолди. Уч нафар фарзандимиз бор, эр-хотин — беш жонмиз. Бир жойдан бир сўм даромад келмайди.

Турмуш ўртоғим ва катта ўғлим чорасизликдан иш излаб, хорижга чиқиб кетишди. Менинг 2-гуруҳ ногиронлигим бор. Шуни пеш қилиб уйда ўтиришим, эрим ва ўғлимнинг кам бўлса-да, хориждан юбораётган маблағи билан рўзғорни тебратиб юраверишим ҳам мумкин эди. Аммо ундай қилмадим. Телевизорда биз каби ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг тадбиркорлик қилиши учун яратиб берилаётган шарт-шароитларни кўриб, мен ҳам маслаҳат сўраб маҳалла идорасига бордим.

Маҳалла фаоллари ҳам фикримни қўллаб-қувватлашди. Оиламиз ихтиёридаги 6 сотих томорқадан фойдаланиб ҳам тадбиркорлик бошлашим, яхши даромад олишим мумкинлигини айтишди. Бунинг учун барча ёрдамни кўрсатишга тайёрлигини билдиришди.

Орадан кўп ўтмай, маҳалла фаолларининг тавсияси билан имтиёзли кредит олиб, томорқамда 2,5 сотихлик мўъжаз иссиқхона қурдим. Шу ерда помидор етиштирдим. Дастлабки мавсумнинг ўзидаёқ яхши даромад олдик.

Бу иш менга “қилса бўларкан-ку” деган катта ишонч, ғайрат берди. Нафақат иссиқхона, балки очиқ томорқага ҳам тўлиқ ишлов бериб, полиз ва сабзавот маҳсулотлари етиштиришни йўлга қўйдик. Яна 5 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, энди иссиқхонага помидордан-да даромади кўпроқ бўлган қулупнай кўчатларини ўтқаздик. Манзарали гулларни кўпайтириб сотишни ўзлаштирдим. Бундан ташқари, ҳовлининг бир четига каттагина товуқхона қуриб, паррандалар сонини кўпайтира бошладим. Олинган даромадни бир жойга тўплаб, қорамол сотиб олдик. Биогумус тайёрлашни ўргандим. Икки йил ичида фақат томорқанинг ўзидан рўзғоримизга ҳар ой уч-тўрт миллионлаб даромад кириб кела бошлади. Айни чоғда асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотларининг кўпчилиги ўзимиздан чиқар, харажатларимиз сезиларли равишда қисқарган эди.

> **Энг катта ғамхўрлик — одамга ўз меҳнати билан пул топиши, оиласини боқиши учун шароит яратиб бериш. Бугун юртимизда шундай имкониятлар кўпайиб бораётгани қувонарлидир.**



2024 йили менинг томорқадан топаётган даромадим ҳамда хўжайиним ва ўғлимнинг хорижда ишлаб топаётган пулларини ҳисоб-китоб қилдик. Натижада томорқада имконият кўпроқдек туюлди. Биргаликда оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга қарор қилдик. Ҳозир барчамиз ҳовлида деҳқончилик, чорвачилик, паррандачилик билан шуғулланяпмиз. Яқинда ҳовлида интенсив усулда балиқ боқишни йўлга қўйдик.

Бугун меҳнатимиз ортидан даромадимиз яхши, турмушимиз фаровон. Очиғи, аввал ҳам ихтиёримизда шу томорқа, шу ер бор эди. Аммо ундан деярли фойдаланмасдик. Уйда ҳамма бекор, ҳамма ишсиз эди. Бугун эса бир қарич ерни ҳам бўш қолдирмасликка, нимадир экиб, даромад олишга ҳаракат қиламиз. Илгари ўзимиз иш қидириб юрган бўлсак, ҳозир томорқада ишчи ишлатяпмиз. Шуларни ўйлаб, интилган, ҳаракатда бўлган инсон ҳеч қачон камлик кўрмайди, дейман фарзандларимга. Айниқса, давлатимиз томонидан оилавий тадбиркорлик учун барча шарт-шароит яратиб берилган бугунги кунда меҳнатдан қочмаган, озгина изланган, интилган инсоннинг яхши даромад топиши, фаровон турмуш кечириши учун ҳамма имкониятлар мужассам. Бунга ўз фаолиятим мисолида амин бўлмоқдаман.

Холида ОТАМУРОДОВА.
Ғузор тумани

РЕКЛАМА

ҲАЛОЛЛИК ВА ОЧИҚЛИК — БАРҚАРОРЛИК КАФОЛАТИ

Коррупцияга қарши курашиш ва хавф-хатарларни бошқаришга замонавий ёндашув

Ҳар қандай ташкилотнинг нуфузи фақат иқтисодий кўрсаткичлари билан белгиланмайди. Унинг қандай ишлаётгани, қарорларни қай асосда қабул қилаётгани, маблағлардан нечоғли оқилона фойдаланаётгани ҳам муҳим мезон. Жамоатчилик ва ҳамкорлар ишончини қозониш учун натижалар билан бирга уларга эришиш йўллари ҳам очиқ, қонуний ва адолатли бўлиши керак.

Шу маънода, коррупцияга қарши курашишни ташкилот бошқарувининг ажралмас қисми деб биламиз. Коррупция туфайли йўқотилган маблағни ҳисоблаш мумкин, аммо бой берилган ишончни тиклаш анча мураккаб. Биргина нохолис қарор ҳам жамоада адолатга ишончни сусайтириши, ҳалол рақобатга зарар келтириши ва ташкилотнинг узоқ муддатли манфаатларига путур етказиши мумкин.

“UzGasTrade” АЖ каби шартномавий муносабатлар, молиявий ҳисоб-китоблар ва ҳамкорлик муҳим ўрин тутадиган жамиятда ҳалоллик ҳар бир бошқарув қарорида намоён бўлиши лозим. Бу раҳбардан тортиб ҳар бир ходимгача бирдек дахлдор масъулиятдир.

Хавфни олдиндан кўриш — самарали бошқарув белгиси

Замонавий ёндашув коррупцияга шароит яратадиган омилларни барвақт аниқлашни талаб этади. Ваколатларнинг бир шахс қўлида ортиқча жамланиши, қарор қабул қилиш мезонларининг ноаниқлиги, назоратнинг заифлиги ва маълумотларнинг ёпиқлиги суиистеъмол учун имконият яратиши мумкин.

Шу боис ҳар бир жараёнга амалий саволлар билан ёндашиш зарур: қарорни ким қабул қилади, у нималарга асосланади, ким текширади ва натижа қандай баҳоланади? Ушбу саволларга аниқ жавоб топилмаган жойда хавф ҳам юқори бўлади.

Масалан, харидда техник талабларни муайян етказиб берувчига мослаштириш, контрагент танлашда бир хил мезонларни қўлламаслик, бажарилмаган иш учун тўловни тасдиқлаш ёки ишга қабул қилишда таниш-билишчиликка йўл қўйиш ташкилот манфаатларига зарар етказади. Бундай эҳтимолларни жараённинг ўзида чеклаш лозим.

Хавф-хатарлар харитаси ҳам шу мақсадга хизмат қилиши керак. Унда хавфнинг номи билан бирга унинг сабаби, эҳтимолий оқибати, камайтириш чораси, масъул ижрочи ва бажариш муддати аниқ белгиланиши муҳим. Энг асосийси, чора амалга оширилгандан кейин хавф ҳақиқатан камайдими, деган саволга жавоб олиниши шарт.

Рақамлаштириш: тезкорлик билан бирга ҳисобдорлик

Рақамли технологиялар коррупциявий хавф-хатарларни камайтириш учун кенг имконият яратади. Электрон ҳужжат айланмаси, қарорларни келишиш босқичларини қайд этиш, тўловлар асосини текшириш ва маълумотларни ўзаро солиштириш жараёнларни кузатишни осонлаштиради.

Бироқ қоғоздаги тартибни электрон шаклга кўчиришнинг ўзи етарли эмас. Агар жараёндаги ортиқча ваколатлар, ноаниқ талаблар ва назоратдаги бўшлиқлар сақланиб қолса, муаммо рақамли муҳитга ҳам ўтади. Шунинг учун рақамлаштириш жараённи қайта кўриб чиқиш, вазифаларни ажратиш ва ҳар бир ҳаракатнинг ҳисобдорлигини таъминлаш билан бирга олиб борилиши керак.

> ***Рақамли технологиялар коррупциявий хавф-хатарларни камайтириш учун кенг имконият яратади. Электрон ҳужжат айланмаси, қарорларни келишиш босқичларини қайд этиш, тўловлар асосини текшириш ва маълумотларни ўзаро солиштириш жараёнларни кузатишни осонлаштиради.***

Маълумотлар таҳлили ҳам муҳим воситадир. Бир етказиб берувчи билан такрорий шартномалар, тўловлардаги ғайриоддий ўзгаришлар ёки ҳужжатларга тез-тез тузатиш киритилиши қўшимча ўрганиш учун сигнал бўлиши мумкин. Бундай сигнал ўзўзидан айблов эмас. У холис текшириш ва асосли хулоса чиқаришни талаб қилади. Автоматлаштирилган таҳлил натижаси учун ҳам инсоннинг профессионал баҳоси ва масъулияти зарур.

Манфаатлар тўқнашуви очиқ муҳокама этилиши керак

Хизмат вазифаси билан шахсий манфаат тўқнаш келадиган вазиятлар турли жараёнларда учраши мумкин. Масалан, шартномани баҳолаётган ходимнинг яқин қариндоши иштирокчи корхонада ишлаши ёки ишга олувчи шахснинг номзод билан шахсий алоқаси бўлиши мумкин.

Бундай вазиятни яшириш холис қарор қабул қилишга шубҳа туғдиради. Уни ўз вақтида очиқлаш эса ходимни ҳам, ташкилотни ҳам ҳимоялашга хизмат қилади. Вазиятга қараб қарор чиқаришни бошқа ходимга топшириш, қўшимча назорат белгилаш ёки тегишли жараёнда иштирокни чеклаш каби ечимлар қўлланиши мумкин.

Жамоада ходим ўз манфаатдорлигини айтишдан чўчимайдиган муҳит бўлиши муҳим. Бунинг учун қоидалар тушунарли, маслаҳат олиш имконияти мавжуд ва раҳбарнинг муносабати изчил бўлиши лозим.

Раҳбарнинг шахсий намунаси — ҳал қилувчи омил

Менимча ҳалолликка оид талабларнинг ишончлилиги, аввало, раҳбарнинг ўз хатти-ҳаракатларига боғлиқ. Жамоага адолат ҳақида гапириб, амалда айрим шахсларга асоссиз имтиёз бериш билан соғлом муҳит яратиб бўлмайди. Белгиланган тартибга раҳбарнинг ўзи амал қилиши ходимларга энг таъсирчан намунадир.

Шу билан бирга, коррупцияга қарши курашишни фақат комплаенс назорат ходимларининг вазифаси деб қараш ҳам тўғри эмас. Ҳар бир бўлинма раҳбари ўз йўналишидаги хавфларни билиши ва уларни камайтириш учун жавобгар бўлиши керак. Комплаенс хизмати эса бу ишда услубий кўмак, мустақил баҳолаш ва назоратни таъминлайди.

Ходимларни ўқитиш ҳам кундалик иш билан боғланиши зарур. “Ҳамкор совға таклиф этса қандай йўл тутиш керак?”, “Таниш шахсга устунлик бериш сўралса-чи?”, “Шубҳали тўловни кимга билдириш лозим?” каби амалий саволларга аниқ жавоб бериш ходимнинг тўғри қарор қабул қилишига ёрдам беради.

Ишончли мулоқот ва натижага қараб баҳолаш

Муаммо ҳақида ўз вақтида хабар топиш — унинг оқибатларини камайтириш имконияти. Шунинг учун мурожаат каналларининг мавжудлиги билан бирга уларга ишонч ҳам муҳим. Хабарлар холис ўрганилиши, махфийлик таъминланиши ва виждонан хабар берган шахсга нисбатан тазйиққа йўл қўйилмаслиги зарур. Айни пайтда, мурожаатда тилга олинган шахс ҳақида ҳам далиллар ўрганилмасдан хулоса чиқарилмаслиги керак.

Коррупцияга қарши ишлар самарасини фақат ўтказилган тадбирлар ёки тайёрланган ҳужжатлар сони билан баҳолаш етарли эмас. Қарорлар қанчалик асосли бўлди? Аниқланган камчилик такрорландими? Хавфли жараёнда назорат кучайдими? Ходим муаммони эркин кўтара оляптими? Ҳақиқий натижа ана шу саволларга жавобда кўринади.

Бизнинг вазифамиз — ҳалол меҳнат қадрланадиган, қарорлар асосланадиган ва ҳар бир ходим ўз масъулиятини англайдиган муҳитни мустаҳкамлаш. Ҳар бир холис танлов, текширилган тўлов ва ўз вақтида билдирилган манфаатлар тўқнашуви жамиятнинг барқарор фаолиятига қўшилган ҳиссадир.

Ҳалоллик раҳбарнинг шахсий принципидан бошланиб, бутун жамоанинг кундалик иш меъёрига айлангандагина ишончли натижа беради.

Алишер АҒЗАМОВ,
«UzGasTrade» АЖ бошқаруви раиси.

ДУНЁ ҲАФТА ИЧИДА

Коинот тозаланади

Европа космик агентлиги (ЕСА) фойдаланиш муддати тугаган сунъий йўлдошларни орбитадан олиб ташлаш учун махсус аппарат ишлаб чиқишга буюртма берди.

Қиймати 102 миллион евролик ушбу шартномани Германиянинг “ОНВ” компанияси бошчилигидаги халқаро консорциум қўлга киритди. Бу — Европанинг орбитани йирик космик чиқиндилардан тозалашга қаратилган илк лойиҳаларидан бири. Унга кўра, “ClearSpace-1” космик аппаратини 2030 йилда учириш режалаштирилган.

ЕСА маълумотларида келтирилишича, ҳозир Ер орбитасида 47 мингдан ортиқ сунъий объектлар аниқланган, уларнинг ҳаракати мунтазам кузатиб борилади. Бундан ташқари, сайёрамиз атрофида ўлчами 1 — 10 сантиметрли, тахминан 1,5 миллионта чиқинди бўлаги учиб юрган бўлиши мумкин.

Энергетик ичимликларга қарши ташаббус

Қозоғистонда “Оталар иттифоқи” республика жамоат бирлашмаси энергетик ичимликларни ишлаб чиқариш, олиб кириш ва сотишни тўлиқ тақиқлаш ташаббусини илгари сурди.

Фаоллар Қозоғистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги номига петиция эълон қилган. Улар мамлакатда энергетик ичимликлар савдосини бутунлай тақиқлаш учун қонунчиликка ўзгартириш киритиш талаби билан чиқмоқда. Таклифга кўра, бундай ичимликларни ишлаб чиқариш ва импортга келтиришдан ташқари уларни сотиш, жумладан, онлайн дўконлар ва етказиб бериш хизматлари орқали тарқатиш ҳам ман этилиши керак. Чекловлар энергетик ичимликлар рекламаси, тарғиботи ва бепул тарқатилишига ҳам татбиқ қилиниши лозим.

Қўшни Қирғизистонда ҳам энергетик ичимликларни бутунлай тақиқлаш масаласи кўриб чиқилмоқда. Иқтисодиёт ва тижорат вазирлиги 2027 йил 1 январдан бошлаб энергетик ичимликларни ишлаб чиқариш, олиб кириш, сотиш ва истеъмол қилишни тақиқловчи қонун лойиҳасини жамоатчилик муҳокамасига тақдим этган.

26 минг парранда йўқ қилинади

Ҳиндистоннинг Керала штатида парранда гриппи аниқланганидан сўнг 26 мингдан ортиқ хонаки паррандаларни йўқ қилиш белгиланди. Ҳукумат зарарланган хўжаликлар атрофида кузатув ҳудуди ташкил этиб, инфекция тарқалишининг олдини олиш учун махсус гуруҳларни жалб қилган.

Касаллик Алаппужа округидаги иккита фермада бир вақтнинг ўзида қайд этилди. Инфекция товуқлар, ўрдаклар ва беданаларда тасдиқланган. Вирус кенг тарқалишининг олдини олиш мақсадида ҳукумат паррандаларни оммавий равишда санитария қоидалари асосида сўйиш ва йўқ қилиш тўғрисида қарор чиқарди.

Зарарланган фермалар атрофидаги 10 километр радиусдаги ҳудудда кузатув зонаси ташкил этилган бўлиб, мутахассислар эпидемиологик вазиятни мунтазам назорат қилади.

Европа комиссияси — киберҳужум нишони

Маълумотларга кўра, тахминан ўн кун давом этган узилиш вақтида бир нечта тизимлар, жумладан, иш ҳақи варақалари ва иш вақтини ҳисобга олишга мўлжалланган кадрлар онлайн тармоқлари ҳамда тиббий харажатларни қоплаш тизими ўчириб қўйилган.

Европа Иттифоқи расмийсига таяниб “Politico” нашрида маълум қилишларича, Еврокомиссия ҳужумнинг асосий қисмини бартараф этганига ишонмоқда, бироқ етказилган зарар кўлами ҳозирча маълум эмас.

“Европа комиссияси аниқланган киберкампанияга жавобан зарур чораларни кўрди. Алоҳида тизимлар ҳужумга учради ва биз стандарт амалиётимизга мувофиқ тегишли шахсларни бу ҳақда хабардор қилдик”, деди комиссия матбуот котиби Томас Рене.

Яширин қабила ташқи дунё билан учрашди

Бразилиядаги Амазонка ўрмонларининг олис ҳудудларида ташқи дунёдан буткул ажралиб яшовчи маҳаллий Ава қабиласи вакиллари одамлар билан кутилмаган алоқага киришди.

“Survival International” ташкилотидан маълум қилишларича, Бразилиянинг Маранян штатида ҳукумат вакиллари изоляцияда яшовчи Ава қабиласининг 20 га яқин аъзолари билан учрашган. Мутахассислар сўнгги ўн йилликларда бундай ҳолат кузатилмаганини таъкидламоқда. Ҳуқуқ ҳимоячиларининг фикрича, қабила аъзолари ўз ҳудудларига ноқонуний дарахт кесувчилар, овчилар ва чорвадорлар бостириб кираётгани ҳамда кучайиб бораётган босим сабабли озиқ-овқат излаб чиқишга мажбур бўлган.

Бразилиянинг маҳаллий халқлар ишлари бўйича “Funai” агентлиги тарқалган маълумотларни ўрганаётганини маълум қилди.

Интернет хабарлари асосида
Шарофиддин ТЎЛАГАНОВ
(«Халқ сўзи») тайёрлади.

2026 йил давомида юртимиз ўқувчилари нуфузли халқаро ва минтақавий фан олимпиадаларида жами 257 та медаль қўлга киритди. Бу йил уларга 17 млрд. сўмдан ортиқ пул мукофоти топширилади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1142. 17 559 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ҳ. Қаршиев.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.41 Топширилди — 00.20 1 2 3 4 5 6